

**МУСТАҚИЛЛИК ТУХФАЛАРИ:
она тили қадри**

Ўн икки ёшларда эдик, чамаси. Етти-саккиз бола тоби қочиб, шифохонада ётган ўртоғимизни кўргани борадиган бўлдик. Бемор нима ейиши кераклиги ҳақида тортиша-тортиша дўкондан бир нималар харид қилдик. “Ахир, қуруқ қўл билан бориб бўладими?!”- дея қўшиб қўйди маҳмаданарок синфдошим. Ахийри, тўрхалтамизни тўлдириб, “катталардек” “касалкўрдига” кетаётганимиздан қониқиб, йўлга тушамиз.

Бироқ шифохонада ҳафсаламиз пир бўлади: бўлимдан рус ҳамшира киз чиқиб: “Вам кого?”- деб сўраб қолса-я! Шунча боладан рус тилида тайинлик бир жавоб чиқмайди. Хижолат тортиб, ортга тисариламиз. Ҳали варракни учириш санъатини ўзлаштиришдан нари ўтмаган болакайнинг онги Ўзбекистон шароитида бундай ҳол мисли кўрилмаган бемаънилик эканини англаб етармиди?

Орадан йиллар ўтибгина, Совет ҳокимияти даврида ўзбек тилининг кўлланиш доираси ниҳоятда торайиб кетганини билиб оламиз. Юртбошимиз айтганидек, “оддийгина ариза ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони” бўлмай қолганди (Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т., 2008.- XXX-б). Республикамизда китоб, газета ва журналларнинг салмоқли қисми рус тилида чоп этиларди. Масалан, биргина Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих институти 1988 йилда илмий ишларнинг 80 фоизини рус тилида, 16 фоизини хорижий тилларда, атиги 4 фоизинигина ўзбек тилида нашр қилди (Қаранг: Ёш ленинчи.-1989.-12 июль).

Буларнинг барчаси келажакда барча миллат ва элатлар қўшилиб кетади, деган хомхаёлга асосланган сиёсат натижаси эди. Маълумки, И.В.Сталин ВКП(б)нинг XVI съездида халқларнинг сиёсий томондан бирлашиши билан тилларнинг қўшилиши масаласини кўтариб, аввал зонал, сўнгра ягона тил пайдо бўлиши тўғрисидаги “назариясини” баён қилганди. (Қаранг: Сталин

И.В. Асарлар. – Т.,1950, т.12.- 409-б). Коммунистик партия арбоблари миллий тил тез орада йўқолиб кетаркан, унга эътибор қилишдан на ҳожат, деган хулосага келган кўринадилар.

Миллий тилга эътиборсизлик империянинг сўнгги кунига қадар давом этди. Турли миллат ва элатлар ўз миллий тилини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, унга давлат тили мақомини бериш ҳақида фикр юрита бошлаган 1980-йиллар охирида ҳам коммунистик ғоя тарафдорлари бунга тиш-тирноқлари билан қарши турдилар, бу саъй-ҳаракатларнинг нотўғри эканлигини асослашга уриндилар. Масалан, 1988 йилда «Вопросы философии» журналининг ташаббуси билан миллий муносабатлар назарияси ва амалиётига бағишлаб ўтказилган «давра столида» тарих фанлари номзоди П. Е. Кандель ўз фикрини билдириб, шундай деган эди: «... У ёки бу миллий давлат тузилиши миқёсида бирор бир тилга давлат тили мақомини бериш орқали ўз тили ва маданиятини ҳимоя қилишга интилмоқ - нафақат бошқа миллат вакилларига нисбатан адолатсизлик, балки ўз миллати ва фуқароларига нисбатан ҳам – агар уларнинг танлаш эркинлиги чекланаётган бўлса - ғайриинсонийликдир. (Қаранг: Философические проблемы теории и практики национальных отношений при социализме. Материалы «круглого стола». – Вопросы философии.- 1988.- №9.- С.51). Хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Турли сафсаталардан қатъий назар ўтган асрнинг охириги ўн йилида она тилимизнинг қўлланиш доираси ниҳоятда кенгайди. Бунга 1989 йилнинг 19 октябр куни ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши, ўзбек тилини миллий кадриятга айлантириш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатлар замин ҳозирлади. “Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда” (Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т., 2008.- XXX-б).

...Дўстим билан Лондондаги супермаркетлардан бирига у-бу дегандек харид қилгани кирамиз. Шеригим азбаройи гапдон эмасми, нуқул нима олиш кераклигидан маслаҳат солади. Шунда суҳбатимизни узок тинглаб ўтирган бир аёл бизга яқинлашади-да: “Сизлар ўзбексизлар-а?”- деб сўрайди. Бениҳоя ғурурдан иккаламизнинг ҳам қаддимиз тик бўлиб кетади.

- Қаердан билдингиз?

- Суҳбатингизнинг оҳангидан. Мен бирмунча вақт Ўзбекистонда бўлганман.

Мана сизга мустақилликнинг биринчи тухфаси: кеча ўз уйимда бемор ўртоғимни ўзбек тилида чақириб ола олмаган бўлсам, бугун гапимнинг оҳангидан мени дунё таниб турибди.